

МАҚОЛАЛАР

СТАТЬИ

ARTICLES

ЭСКИ ХОВОСДАН ТОПИЛГАН МУРАККАБ ТАРКИБЛИ КАМОН ХУСУСИДА

© 2022. Грицина Алексей, Рахимов Комил, Мамиров Омон

*ЎзР ФА Миллий археология маркази,
Я. Фуломов номидаги Самарқанд археология институти*

Калит сўзлар: Эски Ховос, Уструшона, мураккаб таркибли камон, пластинка, ўқ-ёй, суяк пластинкалар, туткич камон ипи, қабат, пайкон учи, сийрок суяги, коворға суяги, елим, шоҳ пластинка “скиф типи”, “хунн типи”, “сосоний типи”, “Марказий осие типи”.

Мақолада Эски Ховос ёдгорлигидан топилган мураккаб таркибли камон ва унинг қисмлари бўлган суякдан ясалган предметлар хусусида сўз боради. Мураккаб таркибли камон ва унинг қисмлари илмий ўрганилиб, уларнинг ясашиш усуллари ва турлари таҳлил қилинган. Эски Ховос Уструшонанинг чўл рустокларидан бири бўлиб, унинг иктисодий ва сиёсий тараққиётида стратегик аҳамияти катта. Ёдгорликдан топилган суякдан ясалган предметлар мураккаб тузилишга эга бўлган камон қисмлари бўлиб, бундай камонлар қадимдан ҳарбий ва ов хўжалиги мақсадларида кенг ишлатилиб келинганлиги ҳамда улар бир неча таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, камоннинг асоси ёғочдан, икки елкаси, яъни эгилиб тортадиган қисми ва қорин қисми пай елими билан ёпиштирилган ҳайвон шохидан ясалган. Бундан ташқари, бу ердан топилган мураккаб таркибга эга камон қолдиқлари ва пайкон учлари илк ўрта асрларда бу ҳудудда яшаган аҳолининг жангвор қуроллари, уларни яшаш ва қисман ҳарбий фаолияти ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

О СЛОЖНОСОСТАВНОМ ЛУКЕ ИЗ ЭСКИ ХАВАС

© 2022. Грицина Алексей, Рахимов Комил, Мамиров Омон

*Национальный центр археологии АН РУз,
Самаркандский институт археологии им. Я. Гулямова*

Ключевые слова: Эски Хавас, Уструшана, сложносоставной лук, пластина, стрела, костяная пластина, рукоять, тетива, пласт, наконечник стрелы, сухожилие, реберная кость, клей, роговая пластина, «скифский тип», «гуннский тип», «сасанидский тип», «среднеазиатский тип».


В статье рассматриваются вопросы, связанные со сложносоставным луком и его костяными частями, обнаруженными на памятнике Эски Хавас. Сложносоставной лук и его части научно изучены, проанализированы способы и виды их изготовления. Эски Хавас – одно из поселений в пустынной части Уструшаны, имеющее большое стратегическое значение в его экономическом и политическом развитии. Найденные на памятнике костяные предметы представляют собой части луков со сложной конструкцией, такие луки с древних времен широко применялись в военных и охотничьих целях, и состоят они из нескольких компонентов. Основа лука – два плеча, то есть изгибающаяся часть, изготовлена из дерева, а брюшная часть изготавливается из рогов животных, скрепленных клеем. Кроме того, найденные здесь фрагменты сложносоставного лука и его наконечники дают представление о боевом вооружении людей, живших в этой местности в раннем средневековье, а также об изготовлении луков в военном использовании.

Эски Ховос шаҳар харобаси умумий майдони 12 гектарга яқин бўлиб, ёдгорликнинг арк ва шаҳристон қисми деярли тўлиқ сақланиб қолган, рабод қисми маҳаллий аҳоли томонидан ер ўзлаштириш жараёнида бутунлай бузилиб кетган. Арки аъло ёдгорликнинг шимоли-ғарб қисмида жойлашган, унинг майдони бир гектардан ошиқроқ, баландлиги 20 метрга яқин.

Ўрта асрлар ёзма манбаларида келтирилишича, Ховос Самарқанддан шарққа йўналган йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Ундан чиққан бир тармоқ йўл Куркат орқали Хўжанд ва Фарғона водийсига, иккинчиси, тўғри Сирдарё кечувидан сўнг шимолга, йирик Банокат (Шохрухия) шаҳрига ва ундан эса иккинчи йирик шаҳар Харашкетга ва ниҳоят, Чоч пойтахти Бинкатга йўналган. Ўрта асрларда ўзаро боғланган Ховос ва Бинкат йўли Буюк Ипак йўли тизимида муҳим ўрин тутган. В. В. Бартольднинг ёзишича, Чирчиқ дарёси водийсига иккита йўл, яъни Ховос-Мирзачўл, Жиззах-Мирзачўл орқали ўтган йўллар орқали борилган (Бартольд, 1963).

Араб географлари Ховосни фақат карвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олишади. Араб сайёҳи ибн Хавқал Ховос йўли ҳақида: “агарда ким Зоминдан Хўжандга Ховос йўлидан бормоқчи бўлса, унинг йўлида Куркат учрайди,” – деб ёзган. Ховос Уструшона манзилгоҳларидан бири бўлиб, у амалда барча ўрта асрлар йўл йўриқномаларида Сўғддан Уструшона орқали Чоч, Хўжанд, Фарғонага бориш ва қайтиш йўли манзили тарзида эслатилади. Ёқутнинг (XIII аср) маълумотларида “Ховос – бу Уструшонадаги қишлоқ”, деб талқин қилинган (Ибн Хордадбех 1986. С. 64). Ибн Хўрдодбех (IX аср) ўзининг машҳур “Йўллар ва мамлакатлар китоби” асарида Ховосдан қўшни ҳудудларгача ва улардан Ховосгача бўлган масофалар ҳақида тўхталиб ўтади. Ховосга оид шунга ўхшаш маълумотлар Қудама, ибн Руста (X аср биринчи ярми), ал-Истаҳрий, ибн Хавқал (X аср), ас-Саъмоний (XII аср), Ёқут (XIII аср), Абул-Фидо (XIV аср) асарларида ҳам келтирилади. XI аср бошида Ховос Сомонийлар сулоласининг сўнгги вакили Мунтасир ва қорахоний Илоқ ўртасидаги жанг тафсилотларида тилга олинади (Гафуров, 1972. С. 288). Ховос номи Низомиддин Шомийнинг машҳур “Зафарнома” асарида (XV аср боши) ҳам эслатиб ўтилади (Шомий, 1996. С. 69). Асар муаллифининг хабар беришича, Амир Темурнинг ўзи ҳам Ховосда бўлган. 1367–1368 йилларда Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасидаги кўплаб тўқнашувлардан бири Ховос яқинида бўлиб ўтади. Бу жангда Соҳибқирон қўшини ўз ҳаракатини Ховосдан бошлаб, рақибининг сон жиҳатдан анча устун бўлган қўшинини тор-мор қилади. XV асрнинг иккинчи ярмида Ховосда Абдурахмон Жомий ва машҳур сўфий Хўжа Аҳрори Вали бўлганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган (Абдуллаев, Валиходжаев, 1969. С. 253). Ховосни қишлоқ тарзида бир неча бор Бобур Мирзо (XVI аср) тилга олади. Жумладан, унинг маълумоти бўйича, “Умар шайх Султон Аҳмад Мирзо билан Шохрухия ва Ўратепа оралиғидаги Ховос қишлоғидаги жангда мағлуб бўлганлиги айтиб ўтилган (Бабур-наме, 1993. С. 34–35).

1988–1989 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти Сирдарё археологик отряди илк бор Кўхна Ховос харобаларида қазилма ишларини олиб боради. Натижада, ёдгорликнинг энг қуйи қатламларидан (материк ерга ета олмаган бўлсаларда) олинган археологик манбалар манзилгоҳнинг камида милодгача I ва милодий I асрларда пайдо бўлганлигини кўрсатди. Бошқача айтганда, Эски Ховос камида икки минг йиллик тарихга эга эканлиги ва у бутун Сирдарё вилоятида энг қадимги шаҳар харобаси эканлиги исботланди (Грицина, 1989). Шу йилларда Ховос ва унинг атрофларидаги Шўрбулоқсойнинг (Нижонисой) юқори оқимида, сув манбаи бўлган худудда катта Нуртепа шаҳар харобаси очилади. Бу ерда қайд қилинган археологик ашёлар мил. авв. VI–V асрларга оид бўлиб, улар Ховосни антик давр ёзма манбаларида келтирилган қадимги Уструшона манзилгоҳи қолдиғи бўлганлигини кўрсатади. Кейинги тадқиқотлар ўн тўрт йилдан сўнг, яъни 2003–2004 йилларда олиб борилган ва бунинг натижасида, бу ерда мил. авв. II асрнинг биринчи ярмига оид илк эллин даври девори қолдиқлари очилди. Эътиборли жиҳати шунда-




1-расм. Эски Ховос ёдгорлигидан топилган мураккаб камон қисмлари.
 Рис. 1. Фрагменты костей сложносоставного лука, найденного на Эски Хавас.
 Figure 1. Bone fragments of a composite bow found at Eski Navas.

цина, Рахимов, Мамиров, 2018. С. 11; Грицина, Рахимов, Мамиров, 2018. Б. 55–61; Gritsina, Rahimov, Mamirov, 2020. P. 203–207). Кўхна Ховос ёдгорлигида қўлга киритилган материаллар асосида тадқиқотчилар бу ерда мил. эр. авв. VI–IV асрларда катта бир қишлоқ манзилгоҳи бўлганини ва шу асосда кейинчалик, шаҳар вужудга келганини тахмин қиладилар (Рахимов,

ки, мазкур девор қадимги маданий қатламлар устига қурилган (Рахимов, Мамиров, 2017. С. 19; Грицина, Иваницкий, Рахимов, 2004; Грицина, Матбабаев, 2004; Грицина, Абдулгазиева, Богомолов, Рахимов, 2006; Gritsina, 2005) ушбу қатламдан мил. авв. VI–IV асрга оид Эйлтон маданиятига хос бўлган ангоб билан безак берилган кулоллик идиш бўлаклари қайд қилинди. Ушбу топилма Кўхна Ховоснинг Фарғона (Довон) билан алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар беради. Бундан ташқари, қадимги Чоч, Бактрия, Суғд ва бошқа худудлар билан доимо сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабат бўлганлигини исботловчи яна бир қатор ноёб осори-атикалар ҳам қайд қилинди. Мил. авв. IV–III асрларга оид девор қолдиқлари ва сопол идишлар мажмуаси шулар жумласидандир.

Лекин ўтган тадқиқотларда, Эски Ховос харобаси ўрнида «шоҳ йўли» фаолиятда бўлган даврда манзилгоҳ бўлганлиги, кейинчалик шаҳарга айланганлиги аниқланди (Рахимов, 2016. Б. 105).

2017–2018 йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида шахристоннинг шарқий томонидаги қазилмада XI аср бошларига тегишли ҳаммом ўрни очиб ўрганилди. Унинг поли пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, сув кетадиган қисми тўлиқ сақланган. Ташнов марказига айлана шаклдаги тегирмон тош ўрнатилган, унинг атрофига бир қатор пишиқ ғишт терилган (Гри-



2-расм. Мураккаб таркибли камон конструкцияси.
 Рис. 2. Конструкция сложносоставного лука.
 Figure 2. Composite bow design.

Мамиров, 2018. Б. 23). Бу ердаги бир неча метр қалинликдаги маданий қатламлар ёдгорликда қадимги даврлардан бошлаб XX асрга қадар узлуксиз ҳаёт излари кузатилади. Амалда Эски Ховос шаҳар харобаси бутун Уструшона учун эталон ёдгорлик ҳисобланади. Ваҳоланки, Уструшонадаги Муғтепа (Ўратепа) ва бошқа шаҳар харобаларининг инсон фаолияти билан боғлиқ қатламларида сезиларли узилишлар кузатилади (Рахимов, 2002. С. 105–106).


Ёдгорлик ҳудудида 2020 йилда олиб борилган археологик қазув тадқиқотлари натижасида унинг жануби-шарқий қисмида турар-жой иншоотлари очиб ўрганилди. Қазув тадқиқотларнинг Р-11 қазишмасида бир нечта хоналар аниқланиб, шулардан 1-хонадан Ховос тарихи учун қимматли маълумот берувчи бир қанча артефактлар аниқланди. 1-хона йўлаксимон шаклда қурилган, ўлчами 6,75 x 3,90 м, унинг ғарбий деворини эни – 75 см, шарқий деворини эни – 55 см, жанубий девори паҳса девор эни – 60 см, деворларни сақланиш баландлиги 25–30 см гача етади. Хонанинг шарқий ва ғарбий девори бўйлаб хом ғиштдан супа қурилган. Шарқий томондаги супани кенглиги 1,5 метрни ташкил қилади. Супанинг икки томонига хом ғишт терилган бўлиб, унинг ичи хом ғишт бўлақлари аралаш тупроқ билан тўлдирилган. Ғарбий супа кенглиги 50 см ни ташкил қилади. Супаларни сақланиш баландлиги 12 см дан 25 см гача етади. Ушбу хонани ички қисми қатламидан суякдан ясалган бир нечта предметлар қайд қилинди (1-расм).

Ушбу хонадан қайд этилган ишлов берилган суяк предметлар таҳлил натижаларига кўра мураккаб тузилишга эга бўлган камон қисмлари бўлиб, бундай камонлар қадимдан ҳарбий ва овчилик мақсадларида кенг ишлатилиб келинган. Мураккаб таркибли камон бир неча қисмлардан ташкил топган бўлиб, унинг асоси ёғочдан, икки елкаси, яъни эгиб тортадиган қисми ва қорин қисми пай елими билан ёпиштирилган ҳайвон шохидан ясалган. Бундай таркибий қисмларга эга камон анъанавий камондан кўра кучлироқ натижа беради ва пайконнинг узоқроқ учишига сабаб бўлади.

Бундай камонларни тайёрлаш жараёни узоқ вақтни талаб этган (Милованов, Иерусалимская, 1976. С. 40–43). Этнографик манбаларга кўра, уни яшаш учун бир йилдан уч йилгача вақт сарфланади. Яшаш технологияси узоқ йиллар давомида шаклланган малака ва анъаналарга асосланган. Ушбу технология бир қанча босқичларда амалга оширилади: ёғоч ва ҳайвон шохини намлаш, паст оловда тоблаш, қатлама пластинкаларини тайёрлаш ва ёпиштириш, камонни доимий тортиб қисқартириш, кўп маротаба елимлаш ва охирги сўнгги босқич камонни тескари тарафга халқага боғлаш. Ушбу жараёндан сўнг камон узоқ вақт шу ҳолатда ушлаб турилади. Бу жараён камон ўқини узоққа отиш кучини берувчи қайта “рефлексация” ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Агарда мураккаб камоннинг ипини ечиб юборилса у қарама қарши томонга букилиб қолади.


Марказий ва Шарқий Осиёда мураккаб таркибли камоннинг пайдо бўлиши Байкал атрофи минтақаси билан узвий боғлиқдир. Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида бу минтақада мураккаб таркибли камоннинг анчайин такомиллашган шакли мавжуд бўлиб, А. П. Окладников уни “Марказий Осиё тип” (Окладников, 1950. С. 219–229), деб аташни таклиф



3-расм. Мураккаб таркибли камонларнинг Панжикент деворий суратларида акс эттирилган тасвир (Распопова, 1980).

Рис. 3. Фрагменты сложносоставных луков, изображенных на росписях Пенджикента (Распопова, 1980).

Figure 3. Fragments of composite bows depicted in Penjikent murals (Raspopova, 1980).



4-расм. Панжикент деворий суратларида ўқ узаётган жангчи тасвири (Распопова, 1980).

Рис. 4. Пенджикентские росписи изображающие война, стреляющего из лука (Распопова, 1980).

Figure 4. Penjikent murals depict a warrior, shooting arrows (Raspopova, 1980).

жуда кўп аниқланган ва таниқли археолог олим Б. Литвинский уларнинг “скиф”, “сосоний”, “туркистон” каби турлари бу ҳудудда кенг тарқалганлигини ёзади (Литвинский, 1966. С. 51–69). Шунга кўра, айтиш мумкинки, қадимги мураккаб таркибли камоннинг тарқалиш минтақаси кенг бўлган. Ушбу ҳудуднинг кенглиги сабаб археологлар уни “сибир-мўғул дашти” ёки “евроосиё дашти”, дея номлашади. Шу сабабли, Сибир ғудудларида тарқалган мураккаб таркибли камоннинг шаклланиши билан жанубий ҳудудлардаги камоннинг ўзаро алоқаси бўлган, деган тўхтамга келишади. Баъзи олимлар мураккаб таркибли камон ҳаттоки Хитой ва Кореяга ҳам сибир-мўғул даштидан кириб борган деган, ҳулосага келганлар (Ермолов, 1987. С. 149–155). Илмий адабиётларда шартли равишда “скиф типи”, деб аталувчи мураккаб таркибли камоннинг тадрижий ривожланиши натижасида, Шарқий, Марказий, Олд Осиё ва Сибир ҳудудларида бир қанча камон турлари шаклланган. Скиф типигаги камондан эра-мизнинг бошларига қадар фаол равишда фойдаланиб келинган, сўнгра унинг янада мукамалроқ замонавий тури – “хунн типи” пайдо бўлган.

Камонлар учун ясалган суякли астар қопламаларини ўрганган тадқиқотчилар шу каби суякли астарлар Шимолий Кавказга ривожланган ўрта асрларда Марказий Осиёдан қорақалпоқлар миграцияси билан бирга кириб борганлигини таъкидлаб ўтишган (Нарожный, Пилотов, 2009).

Марказий Осиёнинг кўплаб ҳудудларида ҳам шу каби топилмалар қайд этилган бўлиб, уларни ўрганиш ишлари, тадқиқотларни олиб бориш жараёнида тафсилотлар билан биргаликда бериб ўтилади. Камон топилмалари асосан кўчманчи халқлар мазоркўрғонларидан топилган, ўтроқ манзилгоҳлар ёки шаҳар ёдгорликларидан кам топилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, биз Кўҳна Ховос ёдгорлигидан топган мураккаб таркибли камон ҳам ўтроқ манзилгоҳлардан аниқланган камёб топилма бўлиб, бу омил Уструшона аҳолиси маданиятининг янги қирраларини очишга ҳизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Уструшона ҳудудида 1976 йилда археологик тадқиқотлар олиб борган Е. Салтовская Ашт даштлиги қабрларидан шу каби мураккаб камонлардан бирини топиб ўрганган (Салтовская, 1982. С. 263).

этади. А. П. Окладников томонидан Байкал бўйи ҳудудларидан топилган ушбу мураккаб таркибли камон мил. авв. III минг йилликка оид моддий маданият мажмуаси билан даврлаштирилади. Ушбу камон бир нечта таркибий қисм (қатлам ёки астар)лардан иборат бўлган (Тихонов, Хафизова, 2014. С. 6–14).

Шимолий Кавказдаги Куйи Архиз ёдгорлигини ўрганган Н. А. Тихонов сармат ва алан қабилалари қабрларидан мураккаб таркибли камонларни аниқлайди ва уларни таҳлил қилган ҳолда ўз ҳулосаларини бериб ўтади. Унинг таъкидлашича, камоннинг барча таркибий қисмлари бир-бирига елимланган ҳолда бўлади ва бир нечта қисмлар бириктириб яхлит конструкция ҳосил қилади (Тихонов, Хафизова, 2014. С. 6–14).

Мураккаб таркибли камонларнинг ушбу тури Евроосиёнинг кенг ҳудудларида яшовчи кўчманчи чорвадор қабилаларга тегишли мазоркўрғонлардан

Узоқ масофадан туриб жанг олиб бориш учун мўлжалланган асосий ҳарбий қуrol бу албатта камон ва ўк (пайкон) бўлган. Ушбу қуrol фойдаланиш учун универсал бўлиб, кўчманчилар ва ўтроқ шаҳарликлар учун ҳам асосий қуrol вазифасини ўтаган. Ҳарбий тўқнашувлар сони ортиши билан камоннинг ўк отар қудрати ва ўкнинг жароҳатловчи кучини орттириш эҳтиёжи ҳам ўсиб борган (Богомолов, 2009. С. 66).

Эски Ховосдан топилган суяк парчалари асосан қовурга (1-расм, 1) ва сийроқ (1-расм, 2) суяги бўлаклари бўлиб, уларга усталик билан ишлов берилган. Ўрганилаётган камон бўлаклари хусусиятларига кўра, юқоридагига ўхшаш усул билан ясалганлигини тахмин қилиш мумкин. Марказий қисмдаги иккита кураксимон пластинкаларни (1-расм, 3) устки тарафдан жипслаштириш учун узунчоқ қоплама пластинка қўйилган (1-расм, 4). Марказий қисмдаги нисбатан қалинроқ суяк дастак-гуткич асоси бўлиб, асосан отнинг сийроқ суягидан ясалади (Даржа, 2009. С. 19). Эски Ховос камонидаги суякнинг икки тарафи силлиқланган. Асос дастакка ён тарафдан пластинкалар ва икки учига ҳам суяк пластинкалар ёпиштирилган. Топилган предметлар камоннинг марказий қисмига оид фрагментлар бўлиб, кураксимон қопламалар бир-бирига бириктириш учун ҳосил қилинган ва унинг олдинги вариантларини ривожлантирган ҳолда янгича кўриниш берган. Бу борада, уйғур мураккаб таркибли камонини яшаш услубларини ўрганган тадқиқотчи уларни турк камонларидан фарқ қилиши ва Суғд камонлари билан алоқаси борлигини таъкидлаб ўтади (Қызласов, 1969. С. 75). Айтиш мумкинки милодий VII–VIII асрларга оид Панжикент деворий суратларида акс этган фрагментлар IX–X асрлардаги мураккаб камонларнинг конструкцияси хусусида маълумот беради (3-расм). Бироқ, бизда шу каби пластинкалар топилмаган бўлсада, унга яқин бўлган бошқа нусхаларни фарз қилган ҳолда тиклаш мумкин бўлади. Худди шундай шох пластинкаларни ён тарафида ҳосил қилинган кемтик жойига камоннинг баъзи қисмлари ўрнатилган бўлиши мумкин (2-расм, 1). Остки қисмига ҳайвон шохидан ясалган пластинкалар ёпиштирилган. Ушбу шох пластинкалар таянч пластинкалар ҳисобланиб, асосан тоғ эчкиси ёки архар шохларидан ясалади. Демак, мураккаб камонларнинг асосий хом ашё “таъминотчиси” тоғ эчкилари ҳисобланади (Даржа, 2009. С. 19). Камоннинг “қабат” (русча-кибит), деб номланувчи юқори ва қуйи елкалари бизда топилмаган бўлсада уларни ҳайвон шохлари ёки ёғочдан ишланганлиги борсидан бир қанча тадқиқотларда келтириб ўтилганлигини қайд этиш лозим (2-расм, 2).

Камоннинг “рефлексация” ҳолатини яхши сақлаш мақсадида жангчилар бир эмас иккита камондан фойдаланишган. Бу тўғрида тадқиқот олиб борган В. И. Распопова Панжикент деворий суратларига (4-расм) эътибор қаратиб, камондан ўк узаётган ёйандоз жангчининг ёнида ечиб қўйилган заҳира камон борилигини кўрсатиб ўтади (Распопова, 1980. С. 68). Ушбу тасвирларни А. Абдуллаев томонидан 1981 йилда Панж худудидаги мозоркўрғонлар-



5-расм. Самарқанд яқинидаги Орлот мозоркўрғонидан топилган суяк пластинасидаги жанг тасвири (Никоноров, 2009).

Рис. 5. Изображение битвы на костяной пластине, найденной в кургане Орлот близ Самарканда (Никоноров, 2009).
Figure 5. The image of the battle on the bone plate, found in the mound of Orlot near Samarkand (Nikonorov, 2009).

да олиб борилган қазилмаларда топилган мураккаб камон қолдиқлари ҳам исботлайди (Абдуллаев, 1981. С. 319). Бундан ташқари камон билан жанг қилаётган жанг саҳналари тасвирлари ҳам археологик тадқиқотларда кўплаб учрайди. Юқорида биз тилга олган камонлар орасида “Марказий Осиё типи”га асос бўлган қадимги камон тасвири Самарқанд яқинидаги Орлот мозорқўрғонидан топилган суяк пластинасидаги жанг саҳнаси тасвирида аниқ кўрсатилган (5-расм). Жангда тўртта бош оёқ совут кийган аскарлар тасвирланган бўлиб, улардан иккитаси ўзаро камон билан жанг қилмоқда (Никоноров, 2009. С. 231).

Айтиш жоизки, туркий халқларда ўғил болани ёшлиқдан камон билан муомала қилишга ўргатиш одат бўлган. Кўчкор устида муаллақ туриш, қуш ва хайвон болаларини камон билан овлаш, балоғат ёшида эса суворийлар гуруҳидан ўрин олишга эришиш ҳар бир турк ўғлонининг шарафли вазифаси ҳисобланган. Ўқ-ёй суворийларнинг масофадан қўллаш учун асосий қуроли ҳисобланган.

Эски Ховосдан топилган мураккаб камон қолдиқлари ва пайкон учлари илк ўрта асрларда бу ҳудудда яшаган аҳоли барча соҳалар сингари жанговар қуролларга эғалик қилиш, уларни яшаш ва жанг санъатидан ҳам хабардор эканлигидан далолат беради. Топилган ушбу материаллар илк ўрта асрларда Евроосиёнинг турли ҳудудларида урф бўлган жанговар қурол мураккаб таркибли камоннинг Марказий Осиёда тарқалган турига оид бўлиб, шу каби камонлар бу минтақада етарли даражада топилган. Айтиш мумкинки, Уструшона ҳудудида камоннинг аҳоли учун аҳамияти қай даражада бўлганлигини Бунжикат саройидан топилган камондан ўқ узаётган Вешпаркар худоси тасвирлари, Панжикент саройи деворий суратлари, Орлот топилмаларида акс этган жанг саҳнаси тасвирлари ва бошқа кўплаб мисоллар кўрсатиб беради. Аҳоли онгида камон худолар ва маъбудларнинг куч қудратини намойиш этувчи асосий восита, ҳукмдорлар ва саркардаларнинг жанглардаги муваффақиятининг гарови ҳамда ов ҳўжалиги самарадорлигини таъминловчи асосий қуроли сифатида қадрланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Абдуллаев А. Л.* Отчет о работе Пянджского отряда за 1981 г. // Археологические работы в Таджикистане. Вып. XXI. Душанбе. 1981. С. 310–324.
- Абдуллаев В. А., Валиходжаев В.* Литературная жизнь // История Самарканда / Отв. ред. И. М. Муминов. Т. I. Ташкент: Фан, 1969. С. 231–237.
- Бабур-наме.* Записки Бабур / Перевод М. Салье. Ташкент: 1993. 464 с.
- Бартольд В. В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Отв. ред. И. П. Петрушевский. Соч. Т. I. М., 1963. 763 с.
- Богомолов Г. И.* Материалы к военной археологии Чача (по раскопам храмового комплекса Канки) // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2009. Б. 59–66.
- Гафуров Б. Г.* Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М.: Наука, 1972. 425 с.
- Грицина А. А., Иваницкий И. Д., Рахимов К.* Раскопки на городище Эски Хавас // Археологические исследования в Узбекистане – 2003 год. Вып. 4. Ташкент, 2004. С. 61–64.
- Грицина А. А., Матбабаев Б. Х.* К исторической топографии городов Ферганы на Великом шелковом пути (на примере Кубы и Оша) // Великий шелковый путь и Ферганская долина. Материалы республиканской научно-теоретической конференции. Ташкент, 2004. С. 48–51.
- Грицина А. А.* Отчет о полевых исследованиях Сырдарьинского отряда в 1989 // Архив Института археологии АН РУз. Самарканд, 1989. Ф. 6, о.1, д. 22. 53 с.
- Грицина А. А., Абдулгазиева Б., Богомолов Г. И., Рахимов К.* Работы Хавасского отряда // Археологические исследования в Узбекистане – 2004–2005 годы. Вып. 5. Ташкент, 2006. С. 94–98.
- Грицина А. А., Рахимов К. А., Мамиров О. У.* Кўхна Ховос ёдгорлигида 2015–17 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2015–2017 йиллар. 11-сон. Самарқанд, 2018. С. 55–61.

- Грицина А. А., Рахимов К. А., Мамиров О. У.* О работах Хавасского отряда в Сырдарьинской области в 2017 году. Отчет. Ф. 6.0.1. Д. 65. Архив Института археологии АН Узбекистана. Самарканд, 2018. 51 с.
- Даржа В.* Традиционные мужские занятия тувинцев / Хозяйство. Охота. Рыбалка. Т. 1. Кызыл: Тувинское книжное издательство, 2009. 218 с.
- Ермолов Л. В.* Сложносоставной монгольский лук // Корейские и монгольские коллекции в собраниях МАЭ: Сб. Музея антропологии и этнографии. Т. 41. Л.: 1987. С. 149–155.
- Ибн Хордадбех.* Книга путей и стран / Пер. с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. Баку, 1986. 428 с.
- Кызласов Л. Р.* История Тувы в средние века. М.: изд. МГУ, 1969. 212 с.
- Литвинский Б. А.* Сложносоставной лук в древней Средней Азии (К проблеме эволюции лука на Востоке) // Советская археология. № 4. М.: Наука, 1966. С. 51–69.
- Милованов Е. А., Иерусалимская А. А.* Лук из Мощевой Балки // (Сборник Государственного Эрмитажа). Т. ХLI. Л., 1976. С. 40–43.
- Нарожный Е. И., Плотов В. И.* Костяные орнаментированные накладки на луки из средневековых кочевнических захоронений XIII–XIV вв. (некоторые аспекты изучения) // Пятая Кубанская археологическая конференция. Краснодар, 2009.
- Низомиддин Шомий.* Зафарнома / Отв. ред. Омонулло Бўриев Ташкент: Узбекистан, 1996. 528 с.
- Никоноров В. П.* Сасанидские боевые рельефы и происхождение темы конной дуэли на пиках прокламативном искусстве доисламского Ирана // Археологические вести. № 29 (2020). Санкт-Петербург, 2020. С. 220–243.
- Окладников А. П.* Неолит и бронзовый век Прибайкалья // МИА (Материалы и исследования по археологии СССР). Вып. 18. М.–Л.: изд. Академии наук СССР, 1950. С. 219–229.
- Распопова В. И.* Металлические изделия раннесредневекового Согда. Л., 1980. 138 с.
- Рахимов Н. Т.* Археологическая стратиграфия и периодизация истории Уратюбе // ТД международного симпозиума «Роль Истаравшана (Уратюбе) в истории цивилизации народов Центральной Азии». Душанбе: Дониш, 2002. С. 212.
- Рахимов К. А.* Эски Ховос Буюк Ипак йўли чоррахасидаги шаҳар // Уструшона Буюк Ипак йилида, унинг минтақалараро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрларда). Гулистан: ГулДУ, 2016. Б. 103–105.
- Раҳимов К. А., Мамиров О.* Кўҳна Ховос ёзма ва археологик манбаларда // “Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. Самарканд: СамДУ, 2018. Б. 21–23.
- Раҳимов К. А., Мамиров О.* Ховос ёдгорлиги // Мозийдан садо. Тошкент, 2017. Б. 19–20.
- Салтовская Е. Д.* О раскопках могильника Дашти Ашт в 1976 г. // Археологические работы в Таджикистане. Вып. XVI. Душанбе, 1982. С. 242–262.
- Тихонов Н. А., Хафизова Е. Н.* Сложносоставной лук из Нижне-Архызского городища // Военная археология: Сборник материалов Проблемного совета «Военная археология» при Государственном Историческом музее. Вып. 3. Тула: Куликово поле, 2014. С. 6–14.
- Gritsina A. A., Rahimov K. A., Mamirov O. U.* Ancient Khavas in the developed middle ages (based on written and archaeological sources) // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). Vol 9. Issue 5, May, India, 2020. P. 203–207.

REFERENCES

- Abdullaev A. L. 1981. *Otčet o rabote Pândžskogo otrâda za 1981 g. (Report on the work of the Pyanj detachment for 1981)* // Arheologičeskie raboty v Tadžikistane (Archaeological work in Tajikistan). Issue XXI. Dušanbe, 310–324 (in Russian).
- Abdullaev V. A., Valihodzhaev V. 1969. In Muminov I. M. (ed.) *Literaturnaâ žizn' (Literary life)* // Istoriâ Samarkanda. Vol. I. Taškent: Fan, Publ., 231–237 (in Russian).
- Babur-name. 1993. Transl. M. Sale. *Zapiski Babura (Babur's notes)*. Taškent: 464 (in Russian).
- Bartol'd V. V. 1963. In Petruševskij I. P. (ed.). *Turkestan v èpohu mongol'skogo našestviâ (Turkestan in the era of the Mongol invasion)*. Vol. 1. Moscow, 763 (in Russian).

- Bogomolov G. I. 2009. *Materialy k voennoj arheologii Čača (po raskopam hramovogo kompleksa Kanki) (Materials for the military archeology of Chach (according to the excavations of the Kanka temple complex))* // O'zbekiston pojetahti Toškent 2200 yošda. Toškent šahring 2200 jillik ũbilejiga bağıřlangan halqaro ilmiy konferenciâ materiallari toplami. Toškent, 59–66 (in Russian).
- Gafurov B. G. 1972. *Tadžiki. Drevnejšaâ, drevnââ i srednevekovaâ istoriâ (Tajiks. Ancient, ancient and medieval history)*. Moscow: Nauka, Publ., 425 (in Russian).
- Gricina A. A., Ivanickij I. D., Rahimov K. 2004. *Raskopki na gorodiše Èski Havas (Excavations at the settlement of Eski Havas)* // Arheologičeskie issledovaniâ v Uzbekistane – 2003 god. Issue 4. Taškent, 61–64 (in Russian).
- Gricina A. A., Matbabaev B. H. 2004. *K istoričeskoj topografii gorodov Fergany na Velikom šelkovom puti (na primere Kuby i Oša) (To the historical topography of the cities of Ferghana on the Great Silk Road (on the example of Cuba and Osh))* // Velikij šelkovyj put' i Ferganskaâ dolina. Materialy respublikanskoj naučno-teoretičeskoj konferencii. Taškent, 48–51 (in Russian).
- Gricina A. A. 1989. *Otčet o polevyh issledovaniâh Syrdar'inskogo otrâda v 1989 (Report on field research of the Syrdarya detachment in 1989)* // Arhiv Instituta arheologii AN RUz. Samarkand, F. 6, O.1, D. 22. 53 (in Russian).
- Gricina A. A., Abdulgazieva B., Bogomolov G. I., Rahimov K. 2006. *Raboty Havasskogo otrâda (Works of the Khavas detachment)* // Arheologičeskie issledovaniâ v Uzbekistane – 2004–2005. Issue 5. Taškent, 94–98 (in Russian).
- Gricina A. A., Rahimov K. A., Mamirov O. U. 2018. *Kohna Hovos yodgorligida 2015–17 jillarda olib borilgan arheologik tadqiqotlar (Archaeological researches in the monument of ancient Havas in 2015–17)* // O'zbekistonda arheologik tadqiqotlar 2015–2017 jillar. 11 issue. Samarqand, 55–61 (in Uzbek).
- Gricina A. A., Rahimov K. A., Mamirov O. U. 2018. *O rabotah Havasskogo otrâda v Syrdar'inskoj oblasti v 2017 godu. (About the work of the Khavas detachment in the Syrdarya region in 2017. Otčet. F. 6.0.1. D. 65. Arhiv Instituta arheologii AN Uzbekistana. Samarkand, 51 (in Uzbek).*
- Darža V. 2009. *Tradicionnye mužskie zanâtiâ tuvincev (Traditional men's occupations of Tuvans) / Hozâjstvo. Ohta. Rybalka. Vol. 1. Kyzyl: Tuvinskoe knižnoe izdatel'stvo, Publ., 281 (in Russian).*
- Ermolov L. V. 1987. *Složnosostavnoj mongol'skij luk (Composite Mongolian bow)* // Korejskie i mongol'skie kollekcii v sobraniâh MAÈ: Sb. Muzeâ antropologii i ètnografii. Vol. 41. Leningrad: 149–155 (in Russian).
- Ibn Hordadbeh. 1986. *Kniga putej i stran (Book of ways and countries) / N. Velihanovoj translation from Arabic, commentary, research, signs and maps. Baku, 428 (in Russian).*
- Kyzlasov L. R. 1969. *Istoriâ Tuvy v srednie veka (History of Tuva in the Middle Ages)*. Moscow State University, Publ., 212 (in Russian).
- Litvinskij B. A. 1966. *Složnosostavnoj luk v drevnej Srednej Azii (K probleme èvolũcii luka na Vostoke) (Composite bow in ancient Central Asia (On the problem of the evolution of the bow in the East))* // Sovetskaâ arheologiâ (Soviet archeology). №4. Moscow: Nauka, Publ., 51–69 (in Russian).
- Milovanov E. A., Ierusalimskaâ A. A. 1976. *Luk iz Moševoj Balki (Bow from Moshcheva Balka)* // Sbornik Gosudarstvennogo Èrmitaža. Vol. XLI. Leningrad: 40–43 (in Russian).
- Narožnyj E. I., Plũtov V. I. 2009. *Kostânye ornamentirovannye nakladki na luki iz srednevekovyh kočevničeskih zahoronenij 13–14 vv. (nekotorye aspekty izučenâ) (Bone ornamented overlays on bows from medieval nomadic burials of the 13th–14th centuries (some aspects of the study))* // Pâtaâ Kubanskaâ arheologičeskaâ konferenciâ. Krasnodar (in Russian).
- Nizomiddin Šomij. 1996. In Omonullo Buriev (ed.) *Zafarnoma*. Taškent: Uzbekistan, Publ., 528 (In Uzbek).
- Nikonorov V. P. 2020. *Sasanidskie boevye rel'efy i proishoždenie temy konnoj duèli na pikah proklamativnom iskusstve doislamskogo Irana (Sasanian battle reliefs and the origin of the equestrian duel theme at the peaks of the proclaiming art of pre-Islamic Iran)* // Arheologičeskie vesti (Archaeological News). №29 (2020). Sankt–Peterburg, 220–243 (in Russian).
- Okladnikov A. P. 1950. *Neolit i bronzovyj vek Pribajkal'â (Neolithic and Bronze Age of the Baikal region)* // MIA (Materialy i issledovaniâ po arheologii SSSR). Issue 18. Moscow-Leningrad: Academu of Sciences of the USSR, Publ., 219–229 (in Russian).
- Raspopova V. I. 1980. *Metalličeskie izdeliâ rannesrednevekovogo Sogda (Metalware of the Early Medieval Sogd)*. Leningrad, 138 (in Russian).
- Rahimov N. T. *Arheologičeskaâ stratigrafiâ i periodizaciâ istorii Uratũbe (Archaeological stratigraphy and*

- periodization of the history of Urat'yube*) // Tezisy dokladov mezhdunarodnogo simpoziuma «Rol' Istaravšana (Uratûbe) v istorii civilizacii narodov Central'noj Azii. Dušanbe, Doniš, Publ., 212 (in Russian).
- Rahimov K. A. 2016. *Èski Hovos Buûk Ipak jÿli çorrahasidagi šahar (Old Khovos is a city at the crossroads of the Great Silk Road)* // Ustruřona Buûk Ipak jilida, uning mintaqalariaro siesij-iktisodij va madanij munosabatlarni rivořlantiriřdagi o'rni (antik va o'rta asrlarda). Gulistan: Gulistan State University, Publ., 103–105 (in Uzbek).
- Rahimov K. A., Mamirov O. 2018. *Ko'lna Hovos yozma va arheologik manbalarda (Ancient Havos in written and archeological sources)* // “Markazij Osiyo tarihi va arheologiyasi muammolari” mavzusidagi Respublika ilmiy konferenciyâ materiallari. Samarqand: Samarqand State University, Publ., 21–23 (in Uzbek).
- Rahimov K. A., Mamirov O. 2017. *Hovos yodgorligi (Monument of ancient Ustrushana)* // Mozijdan sado. Tořkent, 19–20 (in Uzbek).
- Saltovskaja E. D. 1982. *O raskopkah mogil'nika Dařti Ařt v 1976 g. (On the excavations of the Dashti Asht burial ground in 1976)* // Arheologičeskie raboty v Tadřikistane. Issue XVI. Dušanbe, 242–262 (in Russian).
- Tihonov N. A., Hafizova E. N. 2014. *Slořnosostavnoj luk iz Niřne-Arhyzskogo gorodiřa (Composite bow from the Nizhne-Arhyz settlement)* // Voennaâ arheologiyâ: Sbornik materialov Problemnogo sojeta «Voennaâ arheologiyâ» pri Gosudarstvennom Istoričeskom muzee. Issue 3. Tula: Kulikovo pole, Publ., 6–14 (in Russian).
- Gritsina A. A., Rakhimov K. A., Mamirov O. U. 2020. *Ancient Khavas in the developed middle ages (based on written and archaeological sources)* // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) Vol. 9, Issue 5, May, India, 203–207 (in English).

ABOUT A COMPOSITE BOW FROM ESKI HAVAS

© 2022. Gritsina Alexey, Rakhimov Komil, Mamirov Omon

*National Center of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Samarkand Institute of Archaeology named after Y. Gulyamov*

Keywords: Eski Khavas, Ustrushana, composite bow, plate, arrow, bone plates, hilt, bowstring, layer, arrowhead, tendon, rib bone, glue, horn plates, “Scythian type”, “Hunnic type”, “Sasanian type”, “Central Asian type”.

The article describes the issues related to the composite bow and its bone parts, found at the site of Eski Khavas. Compound bows and their parts are scientifically studied, and the methods and types of their manufacture are analyzed. Eski Khavas is one of the settlements in the desert of Ustrushana and was of great strategic importance in its economic and political development. The bone objects found at the monument are parts of a sophisticatedly designed bow. Such bows have been widely used for military and hunting purposes since ancient times, and they consist of several components. The core of the bow – the two limbs, that is, the bending part is made of wood, and the belly part is made of animal horn attached with glue. In addition, the remains of a composite bow and bow tips found here provide information about the martial arms of the people who inhabited this area in the early Middle Ages, as well as about their manufacturing and in particular their military activities.